

Рамазон ҳикматлари 15-қисм

19:13 / 01.06.2017 4019

Шайх ибн Атоуллоҳ Сакандарий айтадилар:

"Кўп нафл рўза тута олмаган ва нафл намозларни ўқий олмаган киши Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва салламга салавот айтиши лозим. Сабаби, сиз умр бўйи қилган ибодатингиз билан Аллоҳ таоло сиз учун бир марта салавот айтганини тенглаштирилса, сиз умр бўйи қилган ибодатингиздан Аллоҳ таоло сизни ҳаққингизга бир бор айтган салавоти оғир келади. Чунки, сиз ўз даражангизда намоз ўқийсиз, ибодат қиласиз. Аллоҳ таоло эса ўз буюклигига лойиқ салавот айтади.

Аллоҳ таолонинг биргина салавоти, сизнинг бутун умр қилган ибодатингиздан устун келади. Энди У Зот сиз учун ўн марта салавот айтса қандай бўлади-а!!!

Чунки Пайғамбаримиз: **"Ким менга бир марта салавот айтса Аллоҳ унга ўн марта салавот айтади"**, деганлар.

(Аллоҳ таолонинг бандаларига айтган салавоти-рахматидир.)